АЖДОДЛАР ТАЖРИБАСИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРДА ИҚТИСОДИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Х.Абдуллаева, Х.Т.Исмоилова

Мақолада аждодлар тажрибасига таяниб талабаларда иқтисодий маданиятни шакллантириш уч босқичли технологиясининг таркибий қисмлари келтирилган. Ушбу технологияни амалга ошириш босқичлари, шакллари, метод ва воситалари ёритилган.

***Калит сўзлар**: иқтисодий маданиятлилик, аждодлар тажрибаси, технологик ёндашув, самарали метод, тоифалаш жадвали.*

В статье представлены составные части трехступенчатой технологии формирования у студента экономической культуры, опирающейся на опыт предыдущих поколений. Освещены формы, методы и средства претворения в жизнь технологии формирования у студентов экономической культуры.

***Ключевые слова:** экономическая культурность, опыт предыдущих поколений, технологический подход, результативный метод, таблица классификации.*

On the basis of our predicessors the author tries to provide key methods and ways of forming of the economic culture of students consciousness in three stages of technology: implementation phases, form, methods and means.

***Key words:** economic culture, means of old generation experience, technologic approach, successful methods the chart of ranging.*

Маълумки, олий таълимдаги таълим-тарбия жараёнида технологик ёндашув масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юксак иқтисодий маданиятли шахсни шакллантириш жараёнига технологик ёндашувни татбиқ этиш учун эса: “аксиологик ёндашув, маданиятли ёндашув, ижтимоий ёндашув, герменевтик ёндашув, синергетик ёндашув, антропологик ёндашув, фаолиятга йўналтирилган ёндашув”[1.17]ларни ҳисобга олиш жуда муҳимдир.

Талабаларда иқтисодий маданиятни шакллантиришда замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш технологик ёндашув имкониятларидан фойдаланган ҳолда юқори самарадорликка эришиш имконини беради. Бундай ёндашувнинг асосий афзалликлари шундаки, унда кутиладиган натижаларни олдиндан белгилаб олиш, шу натижаларни кўзда тутган ҳолда ўқув мақсадини аниқлаш, ўз навбатида, таълим мақсадининг ўқув вазифаларига айлантирилиши, таълимнинг шакл, метод ва воситаларини тўғри танлаш, ўқитувчи ва талаба фаолияти босқичларини алоҳида-алоҳида лойиҳалаб олишга имкон беради.

Технологик ёндашувнинг умумий тавсифига таянган ҳолда тадқиқот доирасида педагогика тарихи фанини ўқитишда аждодлар тажрибаси асосида талабаларда иқтисодий маданиятни шакллантиришниинг уч босқичли технологиясини ишлаб чиқдик. Ушбу технология: 1) мавзуга оид материалларни ўрганиш, 2) таҳлил қилиш,3) амалга татбиқ этиш каби уч босқичда амалга оширилади.



Мисол тариқасида педагогика ва психология таълим йўналиши ўқув режасидаги “Педагогика назарияси ва тарихи” фани доирасидаги “IX асрдан XIV асрнинг биринчи ярмигача таълим, тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар” мавзусини ўқитишда ушбу технологияни қўллаш йўлларини кўриб ўтамиз.

Биринчи босқичда педагогика тарихи ва иқтисодий тасаввурларнинг ривожланишига оид манбалар билан танишилади. Бу вазифани ҳал этишда жамоавий иш шаклларидан фойдаланган ҳолда ёзма ва графикли матнлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилади. Талабаларнинг жамоавий тарзда матн устида ишлаш тартиби қуйидагича: улар гуруҳларга бўлинади, ўқитувчи томонидан тайёрланган алломаларнинг иқтисодий қарашларига оид материал тарқатилади.

1 – тарқатма.

Абу Райҳон Беруний. Аллома мамлакат ободлиги илм-фаннинг гуллашига боғлиқ, одамнинг бахти эса билиш ва маърифат деб билади. У меҳнат тақсимоти ҳақида шундай дейди: “Басрада биллурдан идиш-товоқ ва бошқа нарсалар ясайдилар. Шу жойда белгилаб-ўлчаб берувчи уста бўлиб, унинг олдида биллурнинг майда ва катта бўлакчалари тўпланган. У ана шулардан чиройли ва кераклисини олиб, энг чиройли ва яхши буюм ясашни ўйлаб, ўлчаб ва белгилаб чиқади. Шундан кейин уни ясовчи ҳунармандга беради, у биринчи уста айтганидек қилиб буюмларни ясай бошлайди” [2.100].

2 – тарқатма.

Ибн Синонинг фикрича: “Ҳайвон табиат неъматларига қаноат қилади, одамларга эса табиат неъматлари камлик қилади, улар овқат, кийим-кечак ва уй-жойга эҳтиёж сезадилар. Ҳайвон табиат неъматларини ўзлаштириб олади, одам эса ўз меҳнати билан ўзига овқат, кийим, тураржой яратади. Шу мақсадда инсон деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланиши керак” [2.134].

3 – тарқатма.

Амир Темур ўз сиёсатида тадбиркорлик ва ишбилармонликка алоҳида эътибор берган. Соҳибқирон фикрича, “Бир шижоаткор, мард, ақлли, ишбилармон ва тадбиркор киши минг-минглаб лаёқатсизлардан яхшироқдир...”

“Давлату салтанат уч нарса: мулк, хазина ва лашкар билан тикдир. Доно вазир буларнинг ҳар учаласини тадбиркорлик билан яхши аҳволда, саранжом тутиши зарур” [2.136].

Талабалар гуруҳларда матнларни ўқиб чиқишади, сўнгра уни муҳокама қилишади. Улар тақдим этилган матнни номлаб, унга тавсиф ёзишади.

Иккинчи босқичда аждодларнинг педагогика тарихида акс этган таълимий-тарбиявий, иқтисодий қарашлари асосида мавзу таҳлил этилади.

Ўқитувчи беш минут давомида мавзуга доир фикрларини эссе шаклида ёзишни топширади. Вақт тугагач, баъзи талабаларга ёзганларини ўқиб бериш таклиф қилинади. Шундан сўнг ўқитувчи қуйидаги муаммоли саволлар билан мурожаат этади:

1. Абу Наср Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида эҳтиёж ва меҳнат тақсимоти масаласи қандай изоҳланган?

2. Берунийнинг “Неъматларнинг қадри улар йўқолганида билинади” деган ҳикмати ҳақида қандай фикрдасиз?

3. Ибн Синонинг “Уй-жой тутиш тадбири” асарида кўрсатиб берилган хислатларни санаб беринг.

Саволлар дастлаб индивидуал тарзда, сўнг жуфтликларда таҳлил этилиб, талабаларнинг жавоблари тингланади. Ўқитувчи талабаларнинг жавобларини умумлаштиради, мавзунинг мазмун-моҳиятини тушунтириб беради.

Учинчи босқичда талабаларнинг тасаввурларини тизимлаштириш мақсадида қуйидаги тоифалаш жадвалини тўлдириш таклиф этилади:

Тоифалаш жадвали

Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида иқтисодий тасаввурларнинг акс эттирилиши	Берунийнинг иқтисодий қарашлари	Ибн Синонинг иқтисодиётга оид фикрлари

Талабалар жадвални тўлдириб бўлгач, гуруҳларга бўлиниб тақдимот усулида ўзлари ёзган фикрларни ҳимоя қиладилар. Барча гуруҳларнинг чиқишларидан сўнг умумий хулоса қилинади.

Шунингдек, мазкур босқичда “Тугалланмаган гаплар”, “Беш минутлик эссе”, “Венн диаграммаси”, “ФСМУ”, “Т-чизмаси”каби интерфаол методлардан самарали фойдаланилади.

Шу тарзда машғулотларни ташкил этиш орқали талабаларда аждодларимизнинг иқтисодий тажрибасини идрок этиш ва унинг асосида талабаларда иқтисодий маданиятни шакллантириш мақсади амалга оширилади. Ўйин методлари, тренинглар, стратегияларни моделлаштириш, аниқ педагогик ва иқтисодий вазиятлар (case-study)ни ташкил этиш – талабаларда иқтисодий тасаввурларни шакллантиришнинг самарали усуллари бўлиб, ёшларда ҳаётда юзага келиши мумкин бўл-

ган иқтисодий вазиятларни таҳлил этиш кўникмаларини ривожлантиради.

Умуман олганда, аждодлар тажрибаси асосида талабаларда иқтисодий маданиятни шакллантириш технологиясининг ҳар бир босқичи олдиндан лойиҳаланган бўлиб, иқтисодий меросдан фойдаланишнинг шакл, метод ва воситаларини ҳам ўз ичига қамраб олган.

Демак, юқоридаги технологик ёндашув талабаларнинг яхлит тизимли билимга эга бўлиши ва мустақил – ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш негизида уларда бўлажак касбий фаолиятига доир кўникмаларни шакллантириб, ўқув-тарбиявий жараённи амалиёт билан бевосита боғлаб олиб боришни таъминлайди. Шунинг учун аждодлар тажрибаси асосида талабаларда иқтисодий маданиятни шакллантиришда технологик ёндашув ўқитишнинг юқори самарали усулларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Эгамбердиева Н.М. Юксак маънавиятли шахсни шакллантириш тарбия технологиясининг фаолиятли босқичини лойиҳалаш ва амалга ошириш.- Нукус: Билим, 2010.- 40 б.

2. Раззақов А. Иқтисодий тафаккур сарчашмалари. Т.: Ўзбекистон, 2011.- 248 б.

Андижон давлат университети,
2015 йил 25 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. К.Турғунбоев)